



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ

**МҮМИН МҮМИНГА ОЗОР БЕРМАЙДИ**

الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي حَرَّمَ أَذِيَّةَ الْخَلْقِ بِلَا حَقٍّ مُّبِينٌ، وَالصَّلٰةُ وَالسَّلَامُ عَلٰى الرَّسُولِ الْكَرِيمِ  
وَعَلٰى آلِهٖ وَأَصْحَابِهِ وَالثَّائِبِينَ وَمَنْ تَبَعَهُمْ يٰا حَسَانٍ إِلٰى يَوْمِ الدِّينِ أَمَا بَعْدُ

**Хурматли жамоат!** Ислом дини таълимотлари инсон зотига азият бермаслик, тартиб-интизомли бўлишга чорлайди. Айниқса, мўмин мусулмонлар турли шахсий ва ижтимоий муносабатларда бир-бирларига озор бермасликларига даъват этади. Акс ҳолда қаттиқ гуноҳкор бўлиб қолишлари таъкидланади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло таълим бериб марҳамат килади:

﴿وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بِغَيْرِ مَا اكْتَسَبُوا فَقَدِ احْتَمَلُوا بُهْتَانًا وَإِثْمًا مُّبِينًا﴾ (الأحزاب: 58)

яъни: “Мўмин ва мўминаларга қилмаган гунохлари билан озор берадиган кимсалар бўхтон ва аниқ гуноҳни ўзларига олган бўлурлар” (Ахзоб сураси, 58-оят).

Шариатимизга кўра барча жабҳада бирорга азият бериб қўйишдан сақланишга буюрилади. Ҳатто сухбат асносида биз учун арзимас қўринган баъзи ҳатти-ҳаракатлар ҳам динимиз назаридан четда қолмаган. Ҳадиси шарифларнинг бирида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

“لَا يَتَنَاجِي اثْنَانٌ دُونَ الْثَالِثِ؛ فَإِنَّ ذَلِكَ يُؤْذِي الْمُؤْمِنَ، وَاللّٰهُ يَكْرَهُ أَذَى الْمُؤْمِنِ”

(آخرَجَهُ الْإِمَامُ أَبُو يَعْلَمِ فِي مُسْنَدِهِ وَالْإِمَامُ الطَّبَرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ).

яъни: “Икки киши учинчи кишини ёлғизлатиб сұхбатлашмасин. Чунки бу мўминга азият беради. Аллоҳ эса мўминга азият беришини ёқтирмайди” – деганлар (Имом Абу Яъло “Муснад”да ва Имом Табароний “Муъжамул авсат”да ривоят қилган).

Шунингдек, ҳадиси шарифларда Аллоҳ таолога ва охират кунига имон келтирган киши азият беришнинг турли қўринишларидан сақланиши лозимлиги уқтирилган. Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам:

"مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، فَلَيُقْلِلْ خَيْرًا أَوْ لِيُضْعِفْ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ  
فَلَا يُؤْذِنُ جَارَةً، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَيُكْرِمْ صَيْفَهُ"  
(آخر حجة الإمام البخاري والإمام مسلم).

яъни: “Ким Аллоҳга ва охират қунига имон келтирган бўлса, яхишиликни гапиригин ёки жисм турсин! Ким Аллоҳга ва охиратга имон келтирган бўлса, қўшинисига озор бермасин! Ким Аллоҳга ва охиратга имон келтирган бўлса, меҳмонини эҳтиром қилсин!”, – деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

Бошқа бир ривоятда саҳобалардан бирлари Набий саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг олдилариға келиб, “Эй Аллоҳнинг Расули, қайси мусулмонлар афзал саналади?” – деб сўради. Шунда У зот:

الْمُسْلِمُ مَنْ سَلَمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ وَالْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا نَهَى اللَّهُ عَنْهُ (Мتفق عليه).

яъни: “Мусулмон мусулмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган кишиидир. Муҳожир – Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ўзини тийган кимсадир”, – деб жавоб бердилар (Муттафақун алайх).

**Муҳтарам азизлар!** Минг афсуслар бўлсинки, кўча-кўйда, бозорларда ва жамоат жойларида арзимас сабаблар ортидан кишилар бир-бирларига озор бериб қўйишларини гувоҳи бўламиз. Айниқса, ҳаёлига келганини гапирувчи баъзи инсонлар ёки тайини бўлмаган ташқаридаги кимларнингдир измида юраётганлар бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали мўмин-мусулмонларнинг шаънларини топташ билан уларга озор бераётганларини кўп учратмокдамиз. Хусусан, улар динимиз ходимлари, шариатимиз аҳкомларини етказувчи илм аҳллари бўлган имом-хатибларни “ўзларича муҳокама қилиб”, ортларидан bemalol ғийбат қилмоқдалар. Ваҳоланки, неча йиллардан буён шу имомларнинг ортидан ўзлари иқтидо қилиб келадилар. Ислом динини, шариат аҳкомларини етказишдек улкан масъулиятни зиммасига олган уламолар шаънига ёмон сўзларни гапириш Аллоҳ ва Унинг расулини ғазабини келтирадиган ёмон ишдир.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳ: “Ким дин олимларини масхара қилса, охирати куяди. Ким подшо ва амирларни масхара қилса, дунёси барбод бўлади. Ким ўз биродарларини масхара қилса муруват ва ҳайбати йўқолади”, – деган.

Аллоҳ таолонинг жорий бўлган одатларидан бири шуки, илм аҳли ва уламоларни таҳқиrlаган ва масхара қилган одамни мана шу дунёning ўзида хор қилади. Суҳайл Андалусий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Бир қўшнимиз бор эди. Аллоҳ бойлик ва обрўни бериб қўйган, жуда сердавлат эди. Унинг энг ёмон одати дин олимларини калака қилиш ва уларга азият бериш эди. Бир куни Аллоҳ розилигини истаб насиҳат қилдим. У мени камситиб, уйидан ҳайдади. Аллоҳга қасамки, орадан 20 йил ўтиб фалаж бўлиб қолди. Мол дунёсидан айрилди. Муҳтоjлиқдан шаҳар бозорида тиланчилик қила бошлади. Бир куни бозорда кўринмай қолди. Орадан уч кун ўтиб, бозор орқасидаги ташландик жойдан жасади топилди. Бутун шаҳар уламолари азият кўрган бу инсоннинг ниҳояси мана шундай яқун топди”.

Пайғамбар алайхиссалом ўзларининг ҳадиси шарифларидан бирида ана шундай мўмин-мусулмонларни гийбат қилиб, уларни айбларини ахтариб, азият берадиган кимсаларга қаратса шундай деганлар:

يَا مَعْشَرَ مَنْ أَمِنَ بِلِسَانِهِ وَلَمْ يَدْخُلِ الْإِيمَانُ قَلْبَهُ لَا تَعْتَابُوا الْمُسْلِمِينَ وَلَا تَتَبَعُوا عَوْرَاتِهِمْ فَإِنَّهُ مَنِ اتَّبَعَ عَوْرَاتِهِمْ يَتَبَعُ اللَّهُ عَوْرَتَهُ وَمَنِ اتَّبَعَ اللَّهُ عَوْرَتَهُ يَفْضُحُهُ فِي بَيْتِهِ (رواه الإمام أبو داود).

яъни, “Эй тили билан имон келтириб, қалбига эса имон кирмаганлар, (қалби билан имон келтирмаганлар) мусулмонларни гийбат қилманг ва уларнинг айбини пойлаб-қидирманлар! Чунки ким уларнинг айбини қидирса, Аллоҳ таоло уни ўзининг айбини қидирали ва гарчи уйининг ичидаги (одамлардан маҳфий бўлса ҳам, уни ошкор қилиб) шарманда қиласди”, – (Имом Абу Довуд ривоят қилган).

Шариатимиз бирорвга азият етказишдан қайтариши, азият берганга турли иқобларни белгилаши баробарида мўминлардан азиятни кетказганга жаннатни ваъда қилган. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўтган қавмлардан бир кишини хабарини бериб, шундай деганлар:

مَرْ رَجُلٌ بَعْصُنِ شَجَرَةٍ عَلَى ظَهْرٍ طَرِيقٍ، فَقَالَ: وَاللَّهِ لَأَنْهَيَنَّ هَذَا عَنِ الْمُسْلِمِينَ لَا يُؤْذِنُهُمْ فَأَدْخِلْ الْجَنَّةَ (رواه الإمام مسلم).

яъни: “Бир киши йўл устида ётган дараҳт шохини олдидан ўтиб қолиб: “буни мусулмонлар(нинг йўли)дан олиб ташлайинки, уларга азият бермасин”, – деган эди. Натижада ўша инсон жаннатга киритилди” (Имом Муслим ривояти).

قَالَ الْإِمَامُ الْبَعْوَيُّ رَحْمَةُ اللَّهِ تَعَالَى: أَفْضَلُ الْمُسْلِمِينَ مَنْ جَمَعَ إِلَى أَدَاءِ حُقُوقِ اللَّهِ تَعَالَى أَدَاءَ حُقُوقِ الْمُسْلِمِينَ، وَالكَّفَّ عَنْ أَعْرَاضِهِمْ.

Имом Бағавий раҳимаҳуллоҳ: “Мусулмонларнинг энг афзали Аллоҳ таолонинг ҳақларини адo этиши билан мусулмонларнинг ҳақларини адo этишини жамлаган ҳамда мусулмонларнинг шаънларидан тийилган кишиидир”, – деганлар.

Динимизда киши атрофидаги инсонларга азият бермасликнинг ўзи ҳатто садақа қилганинг савобига тенг экани айтиб ўтилган. Бу борада Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалардан бирига насиҳат қилиб, шундай деганлар:

تَكُفُ شَرَكُ عَنِ النَّاسِ فِإِنَّهَا صَدَقَةٌ مِنْكَ عَلَى نَفْسِكَ

яъни: “Одамларга ёмонлик қилишидан тийилинг. Зоро бу ҳам сизга садақа бўлур”, – дедилар (Муттафақун алайҳ).

Мўмин-мусулмонлар ўзаро бирдамликда ҳаёт кечиришликлари, бир-бирларидан ҳаёт қийинчиликларини аритиш пайида бўлишлари ибодатларнинг афзали саналади. Зоро Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб, шундай деганлар:

أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ أَنْفَعُهُمْ، وَأَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ سُرُورُ تُدْخِلُهُ عَلَى مُسْلِمٍ، أَوْ تَكْشِفُ عَنْهُ كُرْبَةً، أَوْ تَنْضِيَ عَنْهُ دِيَنًا، أَوْ تَطْرُدُ عَنْهُ جُوَاعًا (رواه الإمام الطبراني والإمام ابن أبي الدنيا، وهو حسن).

яъни: “*Инсонларнинг Аллоҳга энг маҳбуби – уларнинг ўзгаларга манфаатлироғидир. Амалларнинг ичида Аллоҳ азза ва жаллага энг маҳбуброги – мусулмон кишига хурсандчилик келтиришингиз, ёки ундан бирор ташвишини аритишингиз, ёки унинг бирор қарзини тўлаб бершишингиз ёки очлигини кетказишингиздир*”, – деганлар (Имом Табароний ва Имом Ибн Абидунё ривояти).

## Тезиснинг 11 январь 2-сонига илова

### “ВАТАН ҲИМОЯСИ – ШАРАФЛИ БУРЧ”

**Хурматли ватандошлар!** 14 январь юртимизда “Ватан ҳимоячилари куни” сифатида нишонланади. Дарҳақиқат, Ватан – муқаддас макон. Уни ҳимоя қилиш, душманлардан асраш, равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш – ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, юрт шаъни ва ор-номусини кўз қорачигидек асраб-авайлаш – шу заминда яшаётган ҳар бир имонли, эътиқодли ва ихлосли фарзанднинг муқаддас бурчидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тинчликни сақлаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь кун Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди ва унда ҳарбий соҳа ҳақида шундай деди: “*Биринчидан, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини, Қуролли кучларнинг жанговор салоҳиятини ошириш, миллий мудофаа саноати комплексини шакллантириши, ҳар қандай хавф хатарга қарши доимо шай туришимиз лозим.*

*Мамлакат мудофаасини ҳарбий-иктисодий қўллаб-қувватлаш бўйича бошлиган ислоҳотларни мантиқий якунига етказиши керак...”.*

**Мухтарам жамоат!** Динимизда Ватанни ҳимоя қилиш ишига ўзини бахшида этиш энг улуғ савобли амаллардан эканлиги айтилган. Бу тўғрида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай ҳадис ривоят қилинган:

عَيْنَ لَا تَمْسُّهُمَا النَّارُ: عَيْنُ بَكْتَ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ وَعَيْنُ بَأَتَتْ تَحْرُسُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ (رواه الإمام الترمذى).  
яъни: “*Икки кўз эгасини дўзах оташи куйдирмас: бири – Аллоҳнинг азобидан кўрқиб йиглаган кўз, иккинчиси – Аллоҳ йўлида пойлоқчилик қилиб бедор бўлган кўз*” (Имом Термизий ривояти).

Қанчадан-қанча амаллар борки, қўринишидан оддий ишга ўхшагани билан чиройли ва яхши ният ила савоби улуғ амалга айланади. Худди шу каби ватан ҳимояси, ҳарбий хизмат ҳам ана шундай савобли, зарур, муҳим амаллар қаторига киради. Зоро, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: “*Инсонларнинг яхиси – инсонларга манфаатлиси*дир”.

**Хурматли жамоат!** Барчангизни 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” билан табриклаймиз, Аллоҳ таоло сизу бизга жонажон Ватан ҳимоячиси ва муносиб фарзандлар бўлиш баҳтини насиб этсин!

Аллоҳ таоло мустақил юртимизни тинчлик ва омонлиқда, аскару зобитларимизни Ўзининг ҳифзу ҳимоясида сақлаб, жаннатмакон диёrimизни ёмон кўзлардан ва барча оғатлардан омонда сақласин! Омин!